

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РАИМОВ САЛАХИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ ВА ПОРТАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ БИЛАН  
КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА СЕЛЕКТИВ ПОРТСИСТЕМ  
ШУНТЛАШ ОПЕРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 - Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Раимов Салахиддин Абдуллаевич**

Жигар циррози ва портал гипертензия билан касалланган беморларда  
селектив портосистем шунтлаш операциясини такомиллаштириш..... 3

**Раимов Салахиддин Абдуллаевич**

Тактико-техническое совершенствование селективного  
портосистемного шунтирования у больных циррозом печени с  
портальной гипертензией..... 21

**Raimov Salakhiddin Abdullftvich**

Tactical and technical improving of selective portosystemic shunting in  
patients with liver cirrhosis with portal hypertension..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РАИМОВ САЛАХИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЖИГАР ЦИРРОЗИ ВА ПОРТАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ БИЛАН  
КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА СЕЛЕКТИВ ПОРТСИСТЕМ  
ШУНТЛАШ ОПЕРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 - Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib110 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Назиров Феруз Гафурович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Акилов Хабибулла Атауллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хакимов Мурад Шавкатович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«С.М.Киров номли ҳарбий-тиббиёт академияси» олий таълим федерал давлат бюджет ҳарбий таълим муассасаси (Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.К. Абралов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «жигар циррози (ЖЦ) йилига 300 минг киши ўлимнинг сабаби бўлиб ҳисобланади ва прогнозларга кўра, яқин ўн йилликда бу касаллик билан хасталанганлар сони 60% дан кўпроққа ортади»<sup>1</sup>. Қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан (ҚОВКВ) қон кетиш портал гипертензияли (ПГ) ЖЦ нинг энг кўп учровчи ва ваҳимали асорати ҳисбланади. «Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 2000 дан ортиқ ҚОВКВ дан қон кетиш ҳоллари қайд этилади ва биринчи кўринишдаёқ ўлим кўрсаткичи 50% гача етиши мумкин 50%»<sup>2</sup>. Турли манбаларнинг маълумотларига кўра «қизилўнгач-ошқозондан қон кетишларда ЖЦ билан беморлар ўлими 30-60% орасида баҳоланади»<sup>3</sup>. Шу сабабли, ушбу жуда ҳам оғир турдаги беморларни олиб боришга анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурати янада кучли ҳис қилинмоқда.

Дунё миқёсида портал хирургиянинг ривожланиши беморнинг клиник аҳволи оғирлигидан қатъи назар хирургик аралашувлар бажарилганидан сўнг минимал салбий оқибатлар билан турғун гемостазга эришиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ. ПГ ли ЖЦ билан беморларда ангиоархитектоника хусусиятлари ва портолиенал ҳавза веналари гистоструктураси морфологик таҳлили муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда ПГ ли ЖЦ билан беморлар ёшига, асцит ва геморрагик синдромлар борасида дастлабки декомпенсациясига боғлиқ равишда дистал спленоренал анастомоз (ДСРА) натижаларини ўрганиш масалалари энг долзарб бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, ПГ фонида талоқ венасининг кучли трансформацияси кузатилган беморларда ДСРА шакллантиришнинг тактик-техник хусусиятларини ишлаб чиқиш масалалари ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Бугунги кунда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш шароитида, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифатини таъминлаш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада, хусусан, ЖЦ асоратлари диагностикаси ва ПГ билан беморларни хирургик даволашда, муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, ПГ ли ЖЦ билан беморларга хирургик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун беморнинг ёши ва цирроз жараёни фонида қон томир-паренхиматоз декомпенсация босқичига боғлиқ равишда ПГ билан беморларда ДСРА самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда

<sup>1</sup> World Health Organization. Liver Cirrhosis: fact sheet no.125. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs346/ru>, accessed March 12.

<sup>2</sup> Назыров Ф.Г., Девятов А.В., Бабаджанов А.Х., Байбеков Р.Р., Ирматов С.Х., Джуманиязов Д.А. Современное состояние хирургии портальной гипертензии в Узбекистане и перспективные направления её развития. // Журнал «Хирургия Узбекистана» 2017, №1, стр. 87-91

<sup>3</sup> Lin LL, Du SM, Fu Y, Gu HY, et al. Combination therapy versus pharmacotherapy, endoscopic variceal ligation, or the transjugular intrahepatic portosystemic shunt alone in the secondary prevention of esophageal variceal bleeding: a meta-analysis of randomized controlled trials. // Oncotarget. 2017 May 24. doi: 10.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечирishiни таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган<sup>4</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, селектив портосистем шунтлашга кўрсатмаларни оптималлаштириш ва унинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан ЖЦ билан беморларда ПГ нинг хирургик коррекцияси натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Қизилўнғач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан қон кетишлар профилактикасининг эҳтимол бўлган якуний усули доирасида ПГ қон томир хирургиясининг ривожланиши хирургик гепатологиянинг долзарб муаммосилигича қолмоқда» (Манукьян В.Г.<sup>5</sup>, Лука А<sup>6</sup>). Fonio P. Ва ҳаммуал. таъкидлашича, «ҳозирги даврда ЖЦ билан беморларда геморрагик синдром ривожланишининг профилактика усулини танлашда ҳар қил гепатологик мактаблар турлича фикрга эгалар». Бу эса, ушбу муаммога турлича муносабат мавжудлигини кўрсатиб, унинг таркибида Ettorre GM<sup>7</sup> фикрига кўра, «ЖЦ билан беморларда гепатопортал гемодинамиканинг индивидуал хусусиятлари ва жигар функционал захираси ҳолатини батафсил тавсифлаб беришни таъминлайдиган комплекс диагностикасини такомиллаштириш илмий изланишнинг истиқболли йўналиши бўлиб қолмоқда».

UNOS (United Network for Organ Sharing, Richmond, Virginia, USA)<sup>8</sup> маълумотларига кўра, «жигар трансплантациялари сонининг йил сайин ўсиб боришига қарамай, донор аъзосига бўлган эҳтиёж бор-йўғи 25-50% гагина

<sup>4</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

<sup>5</sup> Манукьян В.Г. Выбор метода операции азиго-портального разобщения у больных циррозом печени и портальной гипертензией.: Автореф. дисс. ... канд. мед. наук. - Москва. - 2011. - 24 с.

<sup>6</sup> Luca A, Miraglia R, Caruso S et al. Short- and long-term effects of the transjugular intrahepatic portosystemic shunt on portal vein thrombosis in patients with cirrhosis. // Gut., 2011. - vol. 60. - pp. 846-52.

<sup>7</sup> Ettorre GM, Levi Sandri GB, Colasanti M, de Werra E, Lepiane P Distal pancreatectomy with splenorenal shunt to preserve spleen in a cirrhotic patient. // Ann Hepatobiliary Pancreat Surg. 2017 May;21(2):93-95.

<sup>8</sup> United Network of Organ Sharing, Policy 3.6.: Allocation of Livers. Oct 14, 2012.

кондирилмоқда. Операцияни кутиш жараёнида 10-24% беморлар, шуларнинг чорагидан кўпроғи қон кетиш туфайли, вафот этишмоқда». Santarém OL фикрига кўра, «бундай юқори ўлим кўрсаткичлари геморрагик синдром ривожланишининг профилактикасига қаратилган аралашувларни бажариш заруратини тақозо қилади, улар ичида эса портал система декомпрессиясининг хирургик усуллари энг оптимал бўлиб ҳисобланади»<sup>9</sup>. Orloff MJ ўзининг тадқиқотларида таъкидлашича, «ДСРА дарвоза хавзасининг етарлича декомпрессиясига эга портосистем шунтлашнинг энг оптимал турларидан бири бўлиб, одатда, кучли энцефалопатияга олиб келмайди ва ҚОВКВ дан қон кетишлар адекват профилактикасига ёрдам беради»<sup>10</sup>.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ПГ ли ЖЦ билан беморларни хирургик даволаш натижалари анчагина яхшиланган, бу ҳолда оддий, самарали ва шу билан бирга техник бажарилиши ва таъминланишида абсолют ишончли бўлган портал декомпрессия усуллари ёрдамида ПГ коррекциясининг янги усуллари ишлаб чиқиш асосий долзарб ва белгиловчи муаммолардан бўлиб қолмоқда, бу эса даволаш-диагностик тактикани янада такомиллиштиришни талаб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши ФДСС 12-4 «Портал гипертензиянинг хирургик коррекциясида органопртекцияни таъминлашда жигар циррози билан беморларда гепатодепрессия патогенезини ўрганиш» (2012-2016 йй.) фундаментал илмий дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** портокавал ҳавза қон томирлари регионар ангиоархитектоникаси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда селектив портосистем шунтлашга кўрсатмаларни оптималлаштириш ва тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан ЖЦ билан беморларда ПГ нинг хирургик коррекцияси натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ПГ ли ЖЦ билан беморлар ёшига боғлиқ равишда портолиенал ҳавза ангиоархитектоникаси хусусиятларини ўрганиш;

ПГ ли ЖЦ билан беморлар ёшига боғлиқ равишда портолиенал ҳавза веналари гистоструктураси хусусиятларининг морфологик таҳлилинини ўтказиш;

ПГ ли ЖЦ билан беморлар ёшига, асцит ва геморрагик синдромлар борасида дастлабки декомпенсацияга боғлиқ равишда ДСРА натижаларини ўрганиш;

---

<sup>9</sup> Santarém OL, Cleva Rd, Sasaya FM, Assumpção MS, Furtado MS, Julio Guedes Barbato A, Herman P. Left Ventricular Dilation and Pulmonary Vasodilatation after Surgical Shunt for Treatment of Pre-Sinusoidal Portal Hypertension. // PLoS One. 2016 Apr 27;11(4):e0154011

<sup>10</sup> Orloff MJ, Vaida F, Haynes KS, Hye RJ, Isenberg JI, Jinich-Brook H. Randomized controlled trial of emergency transjugular intrahepatic portosystemic shunt versus emergency portacaval shunt treatment of acute bleeding esophageal varices in cirrhosis. // Gastrointest. Surg., 2012. - vol. 16, N 11. - pp. 2094-111.

ПГ ли ЖЦ билан беморларда ДСРА дан кейин спленомегалия синдроми метрли кўрсаткичлари динамикасининг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

ПГ фониди талоқ венасининг кучли трансформацияси билан беморларда дистал турдаги шунтлашни шакллантиришнинг тактик-техник хусусиятларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1976 йилдан 1992 йилгача бўлган даврда академик В.Вохидов номли РИХМ жигар ва ўт йўллари хирургияси бўлимида ва 1992 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда академик В.Вохидов номли РИХМ портал гипертензия ва панкреатодуоденал соҳа хирургияси бўлимида операция бажарилган 446 нафар беморлар олинган. Барча беморларга дистал спленоренал анастомоз қўйилиши бажарилган. ПГ ли ЖЦ билан беморлар диагностика ва хирургик даволаш сифатининг кўп омилли таҳлили асосий тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ДСРА ни шакллантиришда портокавал ташлашни чекловчи янги оригинал усулдан фойдаланган ҳолда замонавий юқори технологик хирургик ёрдам усулларини қўллаб портал генезли қон кетишларни тўхтатиш ва профилактикасида хирургик тактика самарадорлигининг таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумклиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, ангиографик ва радионуклид), морфологик ва статистик текширув усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

декомпрессив аралашувларнинг селектив турининг тактик-техник жиҳатларини босқичли унификациялашни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда ПГ хирургияси тараққиёти даврига боғлиқ равишда ДСРА нинг самараси баҳоланган;

ЖЦ билан беморлар индивидуал хусусиятларига боғлиқ равишда шунтлашнинг селектив турига аввал ишлаб чиқилган кўрсатмалар оптималлаштирилган;

ПГ ли ЖП да ҚОВКВ дан қон кетишлар ривожланиш частотаси ва ПСШ бажаришнинг техник жиҳатларига сезиларли таъсир кўрсатувчи спленопортал ўзан ангиоархитектоникаси ва гемодинамикасининг хусусиятлари ёш омилига боғлиқ равишда аниқланган;

ЖЦ билан беморлар ёшига боғлиқ равишда портал система қон томирлари гистоструктураси ўзгаришларининг хусусиятлари ўрганилган ва 50 ёшдан катталарда *t. media* ва *t. adventitia* нинг қалинлашуви кучлироқ ифодаланганлиги, 30 ёшгача эса – спленопортал ўзан веналари бўшлиғининг кенгайиши хос эканлиги исботланган;

талоқ венасининг кучли трансформацияси ва унинг диаметри 1,5 смдан кенгроқ бўлган ЖЦ билан беморларда ДСРА ни шакллантиришда портокавал ташлашни чекловчи оригинал амалиёти ишлаб чиқилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

морфометрик тадқиқотлар натижасида дарвоза системаси қон томирларнинг ангиоархитектониқаси ва гистоструктураси ўрганилган ва бу ЖЦ билан беморлар ёшига боғлиқ равишда ПГ жадаллашиб боришининг хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

ДСРА бажарилишига нисбий қарши кўрсатмалар бўлган беморлар гуруҳларида, хусусан, ПГ ли ЖЦ билан беморларнинг катта ёшлилар гуруҳида, анамнезида ҚОВКВ дан қон ектиш кузатилган ёки асцит синдроми бўлган беморларда, ДСРА бажариш мумкинлиги исботланган;

талокнинг метрик кўрсаткичларини динамик баҳолаш асосида спленомегалия синдроми даражасининг регресси масаласида ДСРА нинг самарадорлиги аниқланган;

талок венасининг кучли трансформацияси ва диаметрининг 1,5 смдан ортиқ кенгайиши кузатилган беморларда ДСРА ни шакллантириш жараёнида портокавал ташлашни чекловчи оригинал усулни қўллаш операциядан кейинги махсус асоратлар ва салбий гемодинамик оқибатлар ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, морфологик, статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишонччилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган ҳолатлар, хулоса ва таклифлар ҚОВКВ дан қон кетишнинг ривожланиши ва қайталаниши билан кузатилган ПГ билан асоратланган ЖЦ кечишининг клиник-функционал хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшишидан иборат. Ишнинг айрим натижалари ЖЦ билан беморлар диагностикаси ва даволаш бўйича талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларни ўқитиш дастури таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги асосий хулоса ва тавсиялар турли даражадаги тиббиёт муассасаларида ЖЦ билан беморлар диагностикаси ва даволашда қўлланиши мумкинлигидан иборат. Талок венасининг кучли трансформацияси ва диаметрининг 1,5 смдан ортиқ кенгайиши кузатилган беморларда ДСРА ни шакллантириш жараёнида портокавал ташлашни чекловчи оригинал усулни қўллаш операциядан кейинги махсус асоратлар ва салбий гемодинамик оқибатлар ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган. ҚОВКВ дан қон кетиш ривожланиши частотаси бўйича ўтказилган таҳлил бу асорат профилактикаси учун турли хирургик амалиётлар, шу жумладан, радикал даволаш ҳам, ўтказилишига потенциал эҳтиёжни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ПГ ли ЖЦ билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талоқ венасининг кучли трансформацияси ва диаметрининг 1,5 смдан ортиқ кенгайиши кузатилганда салбий гемодинамик оқибатларни бартараф қилиш ва асоратлар частотасини талоқ венаси диаметри 1,5 см гача бўлгандаги ДСРА учун хос кўрсаткичларгача камайтириш имконини берган «Қон томир портосистем шунтлашда портокавал ташлашни чеклаш усули» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси) ишлаб чиқилди;

«Портал гипертензия асоратларининг режали хирургияси» услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси). ПГ ли ЖЦ билан беморларни қўлланмага асосан даволаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, операциядан кейинги асоратлар частотасини пасайтириш, қизилўнгачдан қон кетиш рецидивлари ҳавфини камайтириш имконини берди.

ПГ ли ЖЦ билан беморлар диагностикаси ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишининг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, «Академик В.Воҳидов номли РИХМ» АЖ, Бухоро ва Самарқанд шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига, шунингдек, Самарқанд, Бухоро давлат тиббиёт институлари, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали ўқув жараёнларига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотнинг олинган натижалари ПГ ли ЖЦ билан беморларда диагностика сифатини яхшилаш, қизилўнгачдан қон кетишлар рецидиви ҳавфини 30,1% дан 19,5% гача, шундан кейинги даврда жигар энцефалопатияси юзага келиш ҳавфини 30% дан 12% гача ва беморларнинг касалхонада ётиш муддатини 15% га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 7 та мақола, улардан 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган юқори талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти

келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Портал гипертензияли жигар циррози билан беморларни жаррохлик йўли билан даволаш муаммосининг замонавий ҳолати**», деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, унда жигар циррози муаммосининг замонавий ҳолати ҳақидаги адабиётлар таҳлили келтирилган. ДСРА портал гипертензияли беморларда қўлланиладиган қон томирли шунтлаш амалиётлари орасида энг кенг қўлланиладигани ҳисобланади. Аммо, унинг универсаллиги ва кўплаб ижобий баҳоланган илмий изланишларга қарамай, бу декомпрессия усулини портал гипертензиянинг турли даражаларида, ҳар қил ёш гуруҳларида талоқ венасидаги ўзига хосликларда қўллаш имкониятлари ҳақидаги саволлар тўлиқ ҳал қилинмаган. Шунингдек, талоқ венасининг яққол кенгайган ҳолатларида ДСРА қўлланилиши ва оқибатда портал тизимда депортализация юзага келиши, ўз вақтида бу асоратнинг олдини олиш учун амалиётнинг услубий ўзига хосликларини такомиллаштириш ҳақидаги баҳсли вазиятлар сақланиб қолмоқда.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланган текширув усуллари**», деб номланган иккинчи бобида материал ва услубларнинг клиник тавсифи келтирилган. Академик В.Вохидов номидаги РИХМда 1976-2016 йиллар оралиғидаги 981 та портал гипертензияли беморларда ПСШ амалиётининг турли кўринишлари бажарилган. Илмий иш шу давр ичида фақат ДСРА амалиёти амалга оширилган 446 та портал гипертензияли беморларни текшириш натижаларига асосланган. 446 та бемордан 283 таси (63,4%) эркак ва 163 таси (36,6%) аёл жинсига мансуб. 84% ҳолларда ўсмирлар ва ёшларда жаррохлик амалиёти бажарилган. Ўртача ёш кўрсаткичи 31 ёшни ташкил қилди.

Барча беморларнинг 63% қисмида бир ёки бир неча бор қон кетиш ҳолатлари кузатилган. А.Г. Шерцингер таснифига кўра, қизилўнғач веналари варикоз кенгайишининг I даражаси 5% беморларда, II даражаси – 59% ва III даражаси – 36% беморларда кузатилган. Барча беморларга дистал спленоренал анастомоз қўйиш амалиёти бажарилган. Беморларни текшириш учун қуйидаги инструментал текширув усуллари қўлланилган: фиброэзофагогастроскопия, гепатосцинтиграфия, ультрасонография, ангиография (спленопортография). Шунингдек, портал тизим ва чап буйрак вена тизимининг гистоструктурасини морфологик баҳолаш учун қон томирлар деворини ёруғлик оптик ва электрон микроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди.

Диссертациянинг «**Жигар циррози билан беморларда портал гипертензия вақтида порто-кавал ҳавза веналари ангиоархитектоникасининг ўзига хослиги**», деб номланган учинчи бобида ПСШ амалиёти режалаштирилган портал гипертензияли беморларнинг ёшларига боғлиқ ҳолда ўзига хос ангиоархитектоник ўзгаришлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Беморлар учта ёш гуруҳига бўлинган: 1-гуруҳ – 30

ёшгача беморлар; 2-гуруҳ – 31-49 ёшли беморлар ва 3-гуруҳ – 50 ёшдан катталарни ўз ичига олган. Қон кетиши ҳавф омилларига кўра, гуруҳлар орасида ишончли фарқ мавжудлиги аниқланди. Масалан: иккинчи гуруҳ учун бу кўрсаткич биринчи гуруҳга нисбатан 42% дан 59% гача ошмоқда, учинчи гуруҳда эса кўрсаткич 82%ни ташкил қилди.


Портал босим кўрсаткичи 1-гуруҳда – 337 мм.сув.уст., 2-гуруҳда – 362 мм.сув.уст., 3-гуруҳда эса – 352 мм.сув.уст. ни ташкил қилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, барча гуруҳларда портал босим кўрсаткичлари деярли ўхшаш бўлишига қарамай, *v.portae* ва *v.lieanalis* диаметрлари орасида сезиларли фарқ аниқланди. Биринчи гуруҳда портал вена диаметри 14,5 мм, иккинчи гуруҳда – 13,7 мм, учинчи гуруҳда эса – 13 мм ни ташкил қилди. Талоқ венаси диаметрининг барча кўрсаткичлари ҳисобга олиб таққослаганда ҳам сезиларли фарқ юзага келиб, энг кичик диаметр катта ёш гуруҳига тўғри келди.

Бу далил шуни кўрсатадики, жигар циррозини портал гипертензия билан бирга ривожланиши спленоренал ҳавзанинг томир тизимини компенсатор кенгайишига олиб келади, бунинг даражаси эса, ўз навбатида, ёш омилига боғлиқ. Ўсиб бораётган портал гипертензияни компенсация қилиш эҳтимоли 30 ёшгача бўлган жигар циррози билан беморлар гуруҳида энг юқори бўлиб, бу бир ҳил босим кўрсаткичларида катта ёшдаги беморлар гуруҳига нисбатан *v.portae* ва *v.lienalis* ( $P<0,05$ ) диаметрининг сезиларли катталашishiга, спленомегалия даражасига ( $P<0,001$ ) ва ҚОВКВдан қон кетиш такрорийлигининг энг кам кузатилишига асос бўлади.


Ёшга боғлиқ бундай ўзгаришлар сабабини аниқлаш учун навбатдаги босқичда жигар циррозли беморларда портокавал ҳавза веналарининг ангиоархитектониқаси ва гистоструктурасидаги ўзгаришларнинг ўзига хослиги таҳлил қилинди. Ёруғлик оптик, электрон микроскопия ва морфометрик текширувларни қўллаган ҳолда олиб борилган комплекс текширувлар шуни кўрсатдики, турли ёш гуруҳларига тегишли беморлар веналари девори орасида яққол фарқ мавжуд. Талоқ венаси деворлари орасидаги фарқ, асосан, венанинг аъзога яқин қисми деворининг қалинлигидадир. Бу фарқ, асосан, ташқи девор эвазига юзага келиб, унинг қалинлиги ёш беморларда венанинг эркин қисмига нисбатан деярли икки баробар қалин бўлади. Ёш ўтиши билан эса бу фарқ янада катталашиб боради. Катта ёшли беморлар гуруҳида аъзога тегиб турувчи венанинг ташқи девори унинг эркин қисми ташқи деворига нисбатан 2,5 баробар қалин бўлади.

Талоқ венасининг ўзига хос хусусияти шундаки, девори ва унинг барча қаватлари қалинлиги унинг эркин қисми ва ошқозон ости безига тегиб турувчи қисмида турлича бўлишидир. Унинг аъзога тегиб турувчи қисми бирмунча қалинроқ. Бунинг сабаби, *t.adventitia* қаватининг сезиларли қалинлашиб кетиши бўлиб, айниқса, портал гипертензияли беморларда яққол намоён бўлади. Морфометрик изланишларнинг кўрсатишича, венанинг эркин қисми деворлари, жумладан, барча қатламлари деярли ўзгармайди. Аъзога тегиб турувчи қисм девори эса, юқорида таъкидланганидек, асосан,

t.adventitia ҳисобига қалинлашади. Ўз навбатида, қон томирлар бўшлиғи ҳам кенгаяди.



Талоқ венаси.  
Назорат. Г - Э 10 x 10



Талоқ венаси. Портал гипертензия,  
t.adventitia нинг қалинлашиши.  
Г - Э 10 x 10

### 1-расм. Талоқ венасининг нормал ва портал гипертензиядаги ҳолати

Ўз навбатида, юқори тутқич венасининг девори ҳам 2- ва 3-гуруҳларда қалинлашиши кузатилади. Ўтказилган морфологик текширувлар шуни кўрсатдики, портал гипертензияли жигар циррози билан беморларнинг портолиенал ҳавзаси веналари сезиларли ўзгаришларга учрайди ва унинг даражаси беморларнинг ёши билан узвий боғлиқ бўлиб, 50 ёшдан катта беморларда вена деворининг, айниқса, t.media ва t.adventitia қаватларининг қалинлашиши билан, 30 ёшдан кичик беморларда эса веналар бўшлиқларининг кенгайиши билан ифодаланади. Айнан шу омил портал тизим веналарининг ангиоархитектоникасидаги ёшга боғлиқ фарқларга асос бўлади.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ўрганилган веналар девори ёшга боғлиқ ҳолда катта ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар қон томир девори қатламларининг қалинлашишида, айниқса, ўрта ва ташқи қатламлар ҳамда томир бўшлиғининг кенгайишида намоён бўлади. Бироқ талоқ венаси бўшлиғи диаметрининг вена деворини кенгайиши ҳисобига торайиши ва айна пайтда вена умумий диаметрининг ортиши кузатилади. Бу ҳолларда вена диаметрининг катталаниши, асосан, унинг деворларидаги, айниқса, ташқи қатламдаги қалинлашиш эвазига юзага келади.

Диссертациянинг «**Портал гипертензияли жигар циррози билан беморларда дистал спленоренал анастомоз натижаларининг таққослама таҳлили**», деб номланган тўртинчи бобда таҳлил уч гуруҳда ўтказилган: биринчи гуруҳ – ПСШнинг амалиётга тадбиқ қилиниш даври бўлиб, ўз ичига 1976-1991 йилларни олган; иккинчи гуруҳ – РИХМда ихтисослашган портал гипертензия жарроҳлиги бўлимини шакллантириш даври (1992-1998 йиллар); учинчи гуруҳ – ДСРА амалиётини такомиллаштириш ва шунтлашнинг ушбу турига бўлган кўрсатмаларни кенгайтириш даври. ПСШни амалиётга татбиқ қилиш боскичида ДСРАнинг улуши атиги 21%ни ташкил қилган, қолган

холларда анастомозларнинг, асосан, марказий турлари қўлланилган. Иккинчи даврда ДСРАнинг улуши 24%гача ўсди. Аини давр селектив анастомозларнинг устунлик қилиши билан ажралиб туради, уларнинг улуши 54%, охириги 4 йилда эса 67%гача кўтарилган. Катталарда ўтказилган ДСРА амалиётининг натижаларини 50 ёшгача бўлган беморлардаги натижалар билан таққослаш учун 285 та бемор уч гуруҳга бўлиб ўрганилди: 30 ёшгача, 31-49 ёшдаги ва 50 ёшдан катта беморлар гуруҳи. Барча беморларга селектив ПСШ амалиёти бажарилган.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар орасида жигар етишмовчилиги ва энцефалопатия кўпроқ учради. Жумладан, ПСШни татбиқ қилиш даврида бу асоратлар, тегишли равишда, 23% ва 31%ни ташкил қилган бўлса, кейинчалик ДСРАга кўрсатмалар мувофиқлаштирилгандан сўнг, юқоридаги кўрсаткичлар 14% ва 17% гача пасайган. Ҳозирги кунга келиб эса, консерватив даво имкониятлари ва аини шунтлаш усулига нисбатан юқори йўналтирилган ёндашув эвазига жигар етишмовчилиги 7,3% холлардагина юзага келмоқда. Анастомозда тромбоз ривожланиш эҳтимоллиги 2,7%, қон кетиш эҳтимоллиги эса 5,2%ни ташкил қилди. Бугунги кунда эса бу асоратларнинг учраш даражаси сезиларли камайган. Ўлим билан тугаган ҳолатлар 39%, 9% ва ҳозирги кунга келиб 3,6%гача пасайган (1-жадвал).


#### 1-жадвал

##### Шунтлашга хос, амалиётдан кейинги асоратлар даражаси

Асоратлар	1976-1991 йиллар	1992-1998 йиллар	1999-2016 йиллар	Умумий
Жигар етишмовчилиги	6 (23,1%)	5 (14,3%)	28 (7,3%)	39 (8,7%)
Энцефалопатия	8 (30,8%)	6 (17,1%)	35 (9,1%)	49 (11,0%)
Асцитнинг ўсиб бориши	5 (19,2%)	6 (17,1%)	47 (12,2%)	58 (13,0%)
Анастомоз тромбози	2 (7,7%)	2 (5,7%)	8 (2,1%)	12 (2,7%)
ҚОВКВдан қон кетиш	4 (15,4%)	3 (8,6%)	16 (4,2%)	23 (5,2%)

Селектив декомпрессия усулига нисбатан яқдил муносабатнинг йўқлиги сабабли дастлабки икки гуруҳдаги беморларда амалга оширилган ДСРА натижалари таҳлил қилинди, зеро дастлабки икки босқичда шунтлашнинг селектив усулини қўллаш борасида қуйидаги баҳсли саволлар мавжуд эди: қон кетишини бошдан кечирган юқори даражадаги портал гипертензияли беморларда – босимни пасайтириш самарадорлигининг пастлиги; асцит синдромининг авж олиш ҳавфи; катта ёш гуруҳдагиларда шунтлашдан кейинги асоратлар ривожланишининг юқори ҳавфи; талоқ венаси диаметридаги яққол ўзгаришлар «охири ёнига» туридаги анастомоз қўлланилишига тўсқинлик қилиши.

Ёшга боғлиқ ҳолда ДСРА натижаларининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди. Жигар циррози билан 50 ёшдан катта беморларда ПСШ амалиётини мувофиқлаштирилган кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда бажарилган ҳолларда, амалиётдан кейинги асоратлар учраш хавфи 50 ёшгача бўлган беморларга нисбатан сезиларли юқори бўлмади. Кўрсаткичлар орасидаги фарқ кичик бўлган бир пайтда, ўлим даражаси 3,8% га 2,2% ни ташкил қилди. (2 - расм)




**2-расм. ДСРАга ҳос амалиётдан кейинги асоратларнинг беморлар ёшига боғлиқ ҳолда учраш даражаси.**

Навбатдаги келтирилган маълумотлар, анамнезида ҚОВКВдан қон кетган ва ПСШга қадар шиш-асцитли синдром аниқланган беморларда бажарилган ДСРА амалиётига тегишли натижалар ҳақида. Бу текширувнинг асосий вазифаси селектив шунтлаш амалиётининг портал тизимда босимни пасайтириш самарадорлигини баҳолашдан иборат эди, зеро юқорида санаб ўтилган омиллар, дастлабки икки босқичда, ДСРА амалиётига нисбий қарши кўрсатма деб ҳисобланган. Текширув ўз ичига 1999 - йилдан 2016 йилгача бўлган даврни олган. 385 та бемордан 216 та беморнинг анамнезида қон кетиш, 221 та беморда асцит ташхиси қўйилган.

Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, содир бўлган қон кетиши ва ундан кейинги олиб борилган самарали реабилитация беморларда операциядан олдин жигарнинг компенсация ёки субкомпенсацияланган функционал ҳолатда бўлиши, жигарда тарқоқ жараён бўлишига қарамай фаолият кўрсатаётган гепатоцитлар ҳали ҳам сақланиб қолганидан далолат беради. Анамнезида қон кетиши бўлмаган беморларда ДСРА дан кейин жигар етишмовчилигининг ривожланиш эҳтимоллиги 11% ни ташкил қилди. Айти пайтда анамнезида қон кетиши кузатилган беморларда бу кўрсаткич 5% ни кўрсатди. Ўз навбатида, ДСРА дан кейин сақланиб қолган портал гипертензияга боғлиқ асоратлар улуши кескин қарама-қарши бўлиб чиқди. Зеро, асцитнинг кучайиши ва шунтлашдан кейинги эрта даврда қон кетиши каби асоратларнинг учраш эҳтимоллиги анамнезида қон кетиши кузатилган беморларда юқорирок бўлиб чиқди (3 - расм).




Албатта, юқори портал босимли беморларда селектив ДСРА нинг, амалиётдан кейинги эрта даврларда, босимни пасайтириш самарадорлиги етарлича бўлмаслиги мумкин, бироқ унинг муносиб ишлаши учун, дарвоза тизимидаги қон айланишини анастомоз томонга, гастролиенал ҳамда парапанкреатик соҳа коллатераллари орқали тўлиқ йўналишига зарур вақт талаб этилади. Бундай ҳолларда, ДСРА га қўшимча равишда чап ошқозон венасини (ЧОВ) боғлаш, амалиётдан кейинги эрта даврларда ҚМВКВ дан қон кетиш ҳавфини сезиларли даражада пасайтиради. 385 та бемордан 123 тасида ЧОВ боғланди. Қон кетиш эҳтимоли ЧОВ боғланмаган ҳолларда 5,3%, боғланган ҳолларда эса 1,6% ни ташкил қилди.



**3-расм. Анамнезида ҚОВКВдан қон кетган ва кетмаган беморларда ДСРА га ҳос амалиётдан кейинги асоратларнинг учраш эҳтимолиги**

Амалиётгача қон кетиш бўлган ва бўлмаган беморларда асоратлар тахлили бу омилга боғлиқ бўлган яққол фарқ йўқлигини кўрсатди. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, бу асоратнинг оғирлиги амалиётдан кейинги эрта даврда гепатоситларнинг функционал ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади. Аксарият ҳолларда бу асорат жигар етишмовчилиги билан бирга ривожланган ва бундай пайтда амалиётдан кейинги реабилитация чораларига альбумин ва донор плазмасининг қўшилиши асцитнинг кучайишини тўхтатди ва секинлик билан унинг камайишига олиб келди (4-расм).



**4-расм. Амалиётгача бўлган даврда асцит бор ёки йўқ бўлган беморларда ДСРА га ҳос амалиётдан кейинги асоратларнинг учраш эҳтимолиги**



ДСРА нинг талокнинг ўлчамларига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, биринчи даражали спленомегалия билан беморларда талокнинг ҳажми амалиётнинг 15-кунига келиб 17% га, 6 ойдан сўнг 28% га камайган. Иккинчи даражали спленомегалияда эса талок ҳажми, тегишли равишда, 23% ва 38% га, бир йилдан кейин эса 41% га камайганлиги аниқланди. Учинчи даражали ва улкан спленомегалияда ДСРА амалиётдан сўнг талок ҳажми касалхонадан чиқариш даврида 20%га камайган, 6 ойдан сўнг 41%, 1 йилга келиб 47%га кичрайгани кузатилди.

ДСРА қўллашга таъсир қилувчи асосий ўзига хосликлардан бири бу талок венасининг диаметридир. Портал гипертензияли беморларда портал тизим веналарида сезиларли ўзгаришлар юз бериб, уларнинг орасида талок венасининг кенгайиб кетиши «охири ёнига» туридаги қон томир анастомозини қўйишга монелик қилиши мумкин.

